



МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК

Аббос Набихўжаев
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

12 январь 2016 йил

«Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – таракқиётимизнинг муҳим омили»

«Фақат кенг миқиёсли иқтисодий ислоҳот ва ўзгаришларни биз танлаган, ўзини амалда тўла оқлаган таракқиёт моделига ҳамоҳанг равишда давом эттириш иқтисодиётимиз барқарорлиги ва зарур ривожланиш суръатларини, ҳаётимиз сифатини ошириш, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш имконини беради».



И.А. Каримов

Амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва модернизация сиёсати қуидаги ижобий натижаларга олиб келди:

- 1. Тўлиқ макроиқтисодий барқарорлик ва миллий иқтисодиётимизни юқори ўсиш суръатлари таъминланди:**
 - ✓ инфляция даражаси йилига 7-8%дан ошмаган ҳолда сақланиб келинмоқда;
 - ✓ миллий валютамиз барқарорлиги тобора ўсиб бораётган олтинвалюта захираси (ОВЗ) билан мустаҳкамланиб келмоқда. Фақат 2014 йилнинг ўзида ОВЗ 1,6 млрд. АҚШ долл.га ўсди;
 - ✓ Ўзбекистон Республикасининг жами давлат ташқи қарзи бугунги кунда ЯИМнинг 18,5 фоиздан ошмайди, ички қарзлари эса мавжуд эмас. Бундай жами ташқи қарз кўрсаткичи Жаҳон банкининг барча асосий мезонлари бўйича “жуда ўртамиёна” деб таснифланади.
 - ✓ 2002 йилдан бери бюджет камомади ЯИМнинг 1%дан ошмаган бўлса, 2005 йилдан бери профицит билан ижро этилмоқда;
 - ✓ реал ЯИМнинг ўсиш даражаси охирги 9 йил мобайнида 8%дан юқори бўлиб келмоқда, жумладан 2009 йилда – 8,1%ни, 2010 йилда - 8,5%ни, 2011 йилда - 8,3%, 2012 йилда – 8,2%, 2014 йилда - 8,1%ни, 2015 йилда – 8,0%ни ва 2016 йилда 7,8%ни ташкил этди.

2. Иқтисодиётни структуравий ислоҳ этиш ва модернизациялаш туфайли нафақат экспорт ҳажмини юқори суръатларда барқарор ўсишига, балки унинг таркибини сифат жиҳатдан яхшиланишига эришилди:

- ✓ 2016 йилда ЯИМ таркибида нодавлат секторининг улуши 81,3% бўлиб, улгуржи ва чакана савдо, ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг эса қарийиб 100%ни нодавлат сектори томонидан ишлаб чиқарилмоқда;
- ✓ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 1991 йилда 1,5%ни ташкил этган бўлса, 2016 йилда 56,9%га етди;
- ✓ хизмат кўрсатиш секторининг ЯИМдаги улуши 1991 йилда 16,3%дан 2016 йилда 49,5%га ўсди;
- ✓ 1991-2016 йиллар мобайнида ЯИМда саноат улуши 2,3 баробар, яъни 11%дан 25,7%га ўсди;
- ✓ 1991 йилда экспорт таркибининг қарийиб 90%ни хом-ашё маҳсулотлари ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда қарийиб 72%ни тайёр маҳсулотлар ташкил этишига эришилди.

Макроиктисодий барқарорликнинг асосий белгилари:

1. Даромадлар тақсимланиши муаммоси
2. Иқтисодий ўсиш
3. Тўла бандлик
4. Ички нархларнинг барқарорлиги
(инфляция)
5. Бакувват тўлов баланси
6. Давлат бюджети камомадининг ЯИМга
нисбатан 3% дан ошиб кетмаслиги

1. Даромадларнинг тақсимланиш даражаси

Жини коэффициенти ёрдамида баҳоланади ва у $0 \leq K_j \leq 1$ оралиқда бўлади.

А. Жини коэффициенти 0 га teng бўлганда даромадлар аҳоли орасида теппага-тeng тақсимланади.

Б. Жини коэффициенти 1 га teng бўлганда барча даромадлар битта шахс тасарруфида бўлади.

Бу ҳолатлар гипотетик ҳолатлар бўлиб, фактат назариядагина мавжуд.




Иқтисодчилар афоризми:

“Бозор иқтисодиётида тенг
тақсимлаш адолатли бўлмайди.
Адолатли тақсимлаш тенг
бўлмайди”.




Даромадлар даражаси бўйича 2000 – 2015 йилларда
Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг табақаланиши
(энг кўп ва энг кам даромад оладиганлар нисбати –
меъёр – 10 баробар)



Даромадларнинг тақсимланиши (Жини графиги)

Даромад (%)




Жини коэффициентининг меъёри

Меъёр - 0,35 – 0,37



1991 – 2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида Жини коэфиценти динамикаси



2. Иқтисодий ўсишнинг асосий шартлари:

- 1. Жорий йилда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) аввалги йилга нисбатан кўпроқ бўлиши.
- 2. ЯИМнинг ўсиш суръати аҳоли ўсиш суръатидан юқори бўлиши, яъни киши бошига ишлаб чиқарилган ЯИМнинг кўпайиши.




Мамлакат иқтисодиёти ривожининг босқичлари:

- 1- босқич. 1991-1995 йиллар
(пасайиш йиллари)
- 2- босқич. 1996-2003 йиллар
(барқарорлаштириш йиллари)
- 3- босқич. 2004 йилдан ҳозирги даврғача
(юқори ўсиш суръатлари таъминланган йиллар)



1-боскич.1991-1995 йиллар (пасайиш йиллари)



■ Фоизда ўзгариши


2-босқич.1996-2003 йиллар (баркарорлаштириш йиллари)



3-босқич. 2004-2008 йиллар (юқори ўсиш суръатлари таъминланган йиллар)




3-босқич. 2009-2016 йиллар (юқори ўсиш суръатлари таъминланган йиллар)



Ўзбекистон Республикасида
2016 йилнинг
асосий ижтимоий-иктисодий кўрсаткичлари
(2015 йилга нисбатан, %)

Кўрсаткичлар номи	Ўсиш суръати
Ялпи ички маҳсулот	107,8
Саноат маҳсулотлари ҳажми	106,0
Истеъмол товарлари ҳажми	105,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари ҳажми	106,6
Асосий капиталга инвестициялар	109,6
Экспорт ҳажми	100,5
Чакана савдо айланмаси	114,4
Пуллик хизматлари	112,5

Айрим ривожланган мамлакатлар ва Ўзбекистон Республикасида 2007-2009
йилларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари (олдинги йилга нисбатан фоизда)



Айрим ривожланган мамлакатлар ва Ўзбекистон Республикасида 2010-2012
йилларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари (олдинги йилга нисбатан фоизда)




Айрим ривожланган мамлакатлар ва Ўзбекистон Республикасида 2013-2015
йилларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари (олдинги йилга нисбатан фоизда)



Айрим ривожланган мамлакатлар ва Ўзбекистон Республикасида 2007-2009


йилларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари (олдинги йилга нисбатан фоизда)




Айрим ривожланган мамлакатлар ва Ўзбекистон Республикасида 2010-2012
йилларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари (олдинги йилга нисбатан фоизда)




Айрим ривожланган мамлакатлар ва Ўзбекистон Республикасида 2013-2015
йилларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари (олдинги йилга нисбатан фоизда)




Айрим ривожланаётган мамлакатлар ва Ўзбекистон Республикасида 2007-2009
йилларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари (олдинги йилга нисбатан фоизда)



Айрим ривожланаётган мамлакатлар ва Ўзбекистон Республикасида 2010-2012
йилларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари (олдинги йилга нисбатан фоизда)



Айрим ривожланаётган мамлакатлар ва Ўзбекистон Республикасида 2013-2015
йилларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари (олдинги йилга нисбатан фоизда)



3. Аҳолини тўла иш билан бандлиги

Кимларни ишсиз деб ҳисоблаш мумкин?

- меҳнат биржасида рўйхатдан ўтиб, ишсиз деган мақом олганлар;
- мустақил тарзда меҳнат биржасига муржсаат қиласдан иш қидираётганлар.

PS: халқаро андозарга кўра ҳафтасига камида 2 соат ишилаб, даромад оладиган шахслар ишсиз деб ҳисобланмайди.



3. Аҳолини тўла иш билан бандлиги

Кимларни ишсиз деб ҳисоблаш мумкин?

- Ўзбекистон Республикадаги мавжуд қонунчиликка асосан «ишсиз шахс» деб эътироф этиш учун куйидаги тўрт шарт мавжуд бўлиши талаб этилади:
- 1. Фуқаро меҳнатга қобилиятли бўлиши ва амалдаги қонун ҳужжатларига биноан пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлмаслиги керак (меҳнат қилиш қобилиятининг қуий даражаси Меҳнат кодексининг 77-моддасига мувофиқ 16 ёш деб белгиланган).



3. Аҳолини тўла иш билан бандлиги

Кимларни ишсиз деб ҳисоблаш мумкин?

- Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Мехнат кодексининг ушбу моддасига мувофиқ тегишли шартларга риоя этилган ҳолда 15 ёки 14 ёшга тўлган ёшларни ҳам ишга қабул қилишга рухсат берилса-да, улар ишга лаёқатли шахс деб эътироф этилмайди.
- 2. Фуқаро ишга ва иш ҳақига (мехнат даромадига) эга бўлмаслиги лозим. Агар, фуқаро асосий ишини йўқотган (масалан, иш ўринлари қисқариши муносабати билан бўшатилган), лекин ўриндошлиқ асосида бошқа корхонада ишлаётган бўлса, бунда у ишсиз деб ҳисобланмайди.

3. Аҳолини тўла иш билан бандлиги

Кимларни ишсиз деб ҳисоблаш мумкин?

- Нафақалар, алиментлар, қимматли қоғозлар бўйича олинган дивиденdlар, банкларга қўйилган маблағларга ҳисобланган фоизлар, пенсия ва стипендиялар иш ҳақи (мехнат даромади)га кирмайди, аммо пенсия ва стипендиялар оловчи фуқаролар ижтимоий жиҳатдан ҳимояланганликлари сабабли ишсиз деб эътироф этилмайди.



3. Аҳолини тўла иш билан бандлиги

Кимларни ишсиз деб ҳисоблаш мумкин?

- 3. Фуқаро ишлашга тайёр бўлиши лозим. Фуқаронинг ишлашга тайёр эканлигини, унинг маҳаллий меҳнат органига иш қидириб расмий мурожаат қилиши, белгиланган муддатларда меҳнат органида қайтадан рўйхатдан ўтиб туриши ва меҳнат органлари томонидан таклиф қилинган мазкур ишни қабул қилиш ҳолатлари тасдиқлайди.



3. Аҳолини тўла иш билан бандлиги

Кимларни ишсиз деб ҳисоблаш мумкин?

- 4. Фуқаро барча тегишли ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда маҳаллий меҳнат органида иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатдан ўтиши лозим.
- Иқтисодий адабиётларда бозор иқтисодиётининг ривожланиши даврий характерга эга бўлганлиги учун ҳам ишсизлик ҳаётий муҳим ҳолат деб ҳисобланади. Аммо у ишсизликнинг белгиланган меъёрий даражасидан ошмаслиги лозим.



Иш билан бандлик меъёрлари

Ишсизлик даражасининг критик нуқтаси - 10%,

Табиий ишсизлик даражаси эса – 4-6%.



3. Аҳолини тўла иш билан бандлиги


Ушбу соҳада ҳукумат томонидан олиб борилаётган ишлар:

- ҳар йили янги иш ўринларини яратиш борасида ҳукумат қарорлари қабул қилинади. Ҳусусан, 2015 йилда мамлакатимизда 980 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, унинг 60 фоизи қишлоқ жойларда яратилган, касб-таълим муассасаларининг 480 мингдан зиёд битирувчилари ишга жойлаштирилди, бизнесни бошлилари учун 280 млрд.сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди;


Иқтисодиётда банд бўлганларнинг умумий сони 13,2984 млн. кишидан ортди (01.01.2017й. ҳолатига);

- қасаначилик ривожлантириши тўғрисида ҳукумат қарорлари;
- кам таъминланган оиласарни йирик шохли қорамол билан таъминлаш ва бошқалар.

Ривожланган мамлакатлар ва Ўзбекистон Республикасида 2012-2015 йилларда ишсизлик даражаси



Ривожланган мамлакатлар
ва Ўзбекистон Республикасида 2011-2014
йилларда ишсизлик даражаси



4. Паст даражадаги инфляция

“Inflation” – сўзининг луғатий маъноси – бўртиш, кўпиреш, шишиш.

Иқтисодиётда “инфляция” атамаси – нархларнинг ўсиши ва миллий валютанинг қадрсизланиши сифатида талқин қилинади.



4. Паст даражадаги инфляция

И. Гёте (немис шоири): “Инсон учун саломатлик ҳамма нарса эмас, лекин саломатлик бўлмаса, ҳамма моддий бойлик бир пул”. (Халқ оғзаки ижодидан олинган)

Ушбу иборани иқтисодиётга қўлласак: инфляция иқтисодиёт учун ҳамма нарса эмас, лекин инфляцияни жиловлай олмасак, макроиктисодий барқарорликни таъминлаб бўлмайди.



4. Паст даражадаги инфляция

Инсон касаллигиниг белгиси – унинг харорати (иситмаси). “Касалликни яширсанг – иситмаси ошкор қиласди”.

Иқтисодиёт касаллигининг белгиси – юқори даражадаги инфляция.



4. Инфляция

Инфляция даражасининг меъёрлари:

*Европа Иттифоқи мамлакатлари ва АҚШ
учун – 2,0%*

Бошқа ривожланган мамлакатлар учун – 3,0%

Ривожланаётган мамлакатлар учун – < 10%

4. Инфляция

Янги Зелландия мамлакатида инфляцияга оид маҳсус қонун қабул қилинган:

Унга кўра, агар инфляция дарајаси кетма-кем уч йил ҳар йили 3 фоиздан ошиб кетса, яъни 3 йилда 9%дан ошиб кетса, Марказий банк раиси ўз командаси билан истеъфога чиқарилади.

Савол: инфляцияни жиловлаш қайси идора зиммасига юклатилган?

Тўғри жавоб: мамлакатда олиб борилаётган пул-кредит сиёсатининг натижаси инфляция бўлганлиги сабабли – ушибу масалада Марказий банк масъул.



4. Инфляция

Шартли мисол:

Мамлакатда 1000 бирлик пул массаси мавжуд бўлиб, 10 дона маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 1 дона маҳсулонинг нархи 100га тенг бўлади ($1000 : 10 = 100$).

Агар пул массаси яна 1000 бирликка ошса (товар билан таъминланмаган), маҳсулот микдори ўз-ўзидан ошиб қолмайди ва натижада 1 дона маҳсулотниң нархи 200га тенг бўлади ($2000 : 10 = 200$).



И.Фишер айнияти:

$$P*Q=M*V$$

Бу ерда:

P-махсулот бирлиги нархи (инфляция);

Q-мамлакатда ишлаб чиқарилган махсулот
микдори;

M-пул массаси;

V-пул айланиш тезлиги.



И.Фишер айниятида:
P*Q – ЯИМ ҳажми ёки пулга
бўлган талаб;
M*V –пул таклифи.

Аудиторияга савол:

Пул айланиш тезлиги юқори бўлгани
яхшими ёки паст бўлгани?



Түғри жавоб:

Паст бўлгани яхши, чунки

- назарий жиҳатдан:

$$P = (M * V) / Q$$

яъни, қанчалик пул массаси ва пул айланиш тезлиги юқори бўлса, инфляция даражаси шунчалик ошади, ишлаб чиқариш ҳажми ошгани сари инфляция камаяди.

Амалий жиҳатдан:



Нақд пул
(иш ҳақи, нафақа ва б.)

1000

800

нақд пул
(инкасация)

= 200

(банкдан ташқари пул айланиши)

Инфляция

Инфляция даражасини энг умумлаштириб ифодайдиган кўрсаткич – ЯИМ дефлятори ҳисобланади.

$$\text{ЯИМ} = C + G + I + X - M$$

C – уй хўжаликларининг пировард истеъмол харажатлари;

G – давлатнинг жорий харажатлари;

I – инвестициялар;

X – товар ва хизматлар экспорти;

M – товар ва хизматлар импорти.

Инфляция

ЯИМ дефлятори ҳозирги статистика амлиётимизда 1 йилда факат 4 марта ҳисобланади (1 чорак, ярим йиллик, 9 ойлик ва йиллик).

Бироқ аҳолини, биринчи навбатда, улар истеъмол қиласиган товар ва хизматларга нархларниң ўзгариши кўпроқ қизиқтиргани сабабли, инфляция атамаси одатда ЯИМниң ЭНГ катта улушини ташкил қилувчи уй хўжаликларининг пировард истеъмол харажатлари бўйича ҳисобланадиган истеъмол нархлари индексига нисбатан қўлланилади.

4. Инфляция


Инфляция даражасини ҳисоблаш учун халқаро андозаларга кўра ўртача даромад олувчи аҳолининг истеъмол қиласидиган камида 300 та товар ва хизматлардан иборат истеъмол савати тузилиши лозим. Агар 1994 йилда республикамиз истеъмол саватига 267 та товар ва хизматлар киритилган бўлса, 2016 йилда 334 та товар ва хизматлар киритилган (ривожланган мамлакатларда – 1000-2000 та).

Ушбу истеъмол саватини минимал яшаш бюджети савати билан катта фарки мавжуд.

Ривожланган мамлакатларда истеъмол саватига киритилган товар ва хизматлар сонининг кўплигига сабаб, айрим товарларни 10 ва ундан ортиқ навларга бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида товар сифатида истеъмол саватига киритилади. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар истеъмол саватларидағи фарқ асосан озиқ-овқат ва хизматларнинг истеъмол саватидаги улушлари ҳисобига шаклланади.



Ўзбекистон Республикасида 1996-2016 йиллардаги истеъмол нархлари индекси (ИНИ) бўйича расмий инфляция даражаси



4. Инфляция

Инфляция даражасини ҳисоблашда
қўлпаниладиган **истеъмол саватига** ўртacha
даромад оладиган фуқаролар харид қиладиган
товар ва хизматлар киритилиши лозим.

Халқаро андозаларга кўра, агар истеъмол
саватида озик-овқатларга сарфланган
харажатлар умумий харажатларнинг 50
фоизидан ошган бўлса, ушбу мамлакат аҳолиси
кам таъминланган ҳисобланади.



1996-2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси ИНИИни ҳисоблашда қўлланиладиган истеъмол саватидаги ўзгаришлар (Жамига нисбатан, %)

	1996 й.	2001 й.	2004 й.	2005 й.	2008 й.	2010 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
ЖАМИ	100,0								
<i>шу жумладан:</i>									
Озиқ-овқат маҳсулотлари	73.9	72.1	63.6	63.2	59.4	58.1	49.2	47.4	44.9
Ноозик-овқат маҳсулотлари	17.8	18.9	21.9	21.4	24.5	24.3	31.8	33.9	34.4
Хизматлар	8.3	9.0	14.5	15.4	16.1	17.6	19.0	19.7	20.7

4. Инфляция

Халқаро андозалар одатда ғарб мамлакатлари турмуш даражаси ва менталитетига асосланган бўлади. Ушбу андозаларга биноан истеъмол саватига кирган товар ва хизматларни аҳоли 12 ой, 4 фасл бир ҳил микдорда истеъмол ва харид қиласи, деб олинади.

Ушбу ёндошиш қанчалик бизнинг менталитетимиз ва хаёт тарзимизга мос келади?

4. Инфляция

**Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан
Ўзбекистонда айрим мева-сабзавотлар
(кулупнай, олча, гилос ва бошқалар)
йилнинг айрим ойларида бозорда мавжуд
бўлмаслиги мумкин.**

**Шунинг учун 2003 йилдан эътиборан
инфляция даражасини ҳисоблашда
республикамиздаги мавсумийликни ҳисобга
оладиган янги методология ишлаб чиқилди.**



4. Инфляция

**2003 йилда Ўзбекистонда инфляция
даражасини кескин туширишга
эришилди. Бунинг асосий сабаблари:**

1. Макроиктисодий сиёсатдаги ўзгаришлар.
2. Методологиядаги ўзгаришлар.



4. Инфляция

Макроиктисодий сиёсатдаги ўзгаришлар:

1. 2003 йилдан бошлаб давлат бюджети камомадини қоплаш учун *Марказий Банк* томонидан *кредитлаш* түхтатилди.
2. *Марказий банк* томонидан *марказлашган кредитларни* беришга чек қўйилди.

Натижада инфляциянинг икки йирик ўчғи сўндирилди.



4. Инфляция

Методологиядаги ўзгаришлар.

Республикамиз аҳолиси истеъмол саватига кирувчи мева-сабзавотлар гуруҳидаги 18 турдаги маҳсулотларни халқаро андозаларда белгиланганидек ҳар ойда бир ҳил микдорда эмас, балки энг пишиқчилик фаслларида, масалан, картошка, пиёз, сабзи каби маҳсулотларни қоплаб, одатда октябрь ва ноябрь ойларида энг арzon пайтда кўп микдорда харид қилиб, қиши ойларида, яъни нархи қиммат фаслларда камроқ харид қилишини ҳисобга олиб, методологияга маълум ўзгаришилар киритилган. Унга кўра йилнинг ҳар бир ойида аҳоли 18 турдаги мева-сабзавотларни қанча микдорда харид қилган бўлса, истеъмол саватида ушбу вазн қўлланилади. Яъни, янги методологияга кўра структуравий ўзгаришлар ҳам ҳисобга олинган.

5. Бақувват тўлов баланси

$$САВ = X - M \pm Y_f \pm TR_f > 0$$

Бу ерда, САВ – жорий ҳисоблар баланси;

X – товар ва хизматлар экспорти;

M – товар ва хизматлар импорти;

Y_f – хориждан олинган соғ бирламчи даромадлар;


TR_f - хориждан олинган соғ иккиламчи даромадлар (трансфертлар).

Ўзбекистонда охирги 10 йилда САВ > 0.

6. Фискал сиёсат кўрсаткичлари


Йиллар	Давлат бюджети даромадлари, млрд. сўм	Давлат бюджети харажатлари, млрд. сўм	Давлат бюджети камомади, ЯИМ га нисбатан %
2001	1 266,9	1 313,8	-1,0
2003	2 342,1	2 376,9	-0,4
2005	3 433,3	3 420,0	+0,1
2006	4 485,5	4 388,4	+0,4
2012	21 297,3	20 910,7	+0,4
2013	26 261,5	25 907,0	+0,3
2014	31 729,5	31 419,6	+0,2
2015	36 492,7	36 289,8	+0,1
2016	41 030,7	40 930,0	+0,1

Давлат бюджети камомади (профицити), ЯИМ га нисбатан %



Мустақиллик йилларыда солиқ юки

динамикаси (ЯИМ га нисбатан %)



*ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАХМАТ !*

